

## Спорт Мусобақаларида Соғлиққа Етказиладиган Зиёнларнинг Ҳуқуқий Баҳоланишига Оид Айрим Мулоҳазалар

Дўстмуродов Умиджон Инатуллаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Жанговар ва жисмоний тайёргарлик кафедраси  
доценти

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг барча қатламлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришдан асосий мақсад, бу уларнинг жисмоний қобиляти ва ҳаракат фаоллигини такомиллаштириш, меҳнатга лаёқатини ошириш, зарарли одатлар ҳамда турли касалликларнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Шу боисдан ҳам мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватланилиши натижасида ҳар бир шахснинг жисмоний тарбия ва спорт билан эркин шуғулланишига бўлган ҳуқуқини таъминланиши ва фуқароларнинг ушбу соҳасидаги ҳуқуқларининг кафолатларини белгиланиши қонун билан ўрнатилган<sup>1</sup>.

Спорт бу аввало рақибларнинг ҳалоликка асосланган белашувидир. Махсус адабиётларда спорт тушунчасига турли ҳил фикр-мулоҳазалар берилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин, бироқ мазкур илмий баҳсларга қонун чиқарувчи томонидан 2015 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонунида умумэтироф этилиши талаб этилаётган қонуний таъриф берилди. Унга кўра, спорт – одамларнинг ташкил этилган, уларнинг жисмоний ва интеллектуал қобилятини таққослашдан иборат бўлган ҳаваскорлик асосидаги ва профессионал асосдаги фаолияти, шунингдек ушбу фаолиятга тайёргарлик кўриш ҳамда бу фаолият жараёнида одамлар ўртасида юзага келадиган муносабатлар<sup>2</sup>.

Спорт тушунчасига берилган ушбу қонуний таърифда одамлар нафақат интеллектуал, балки ўзининг жисмоний қобилятини намоён қилган ҳолда беллашиши, рақобатлашиши ва мусобақаланишини назарда тутди.

Мусобақа давомида ғолиблик учун муайян маррага етиш ёки рақибга нисбатан устунликка эришишда рухий устунлик, жисмоний тезкорлик, курашиш талаб этилади. Айтиш жоизки, спорт бу муайян қоидалар асосида курашишдан иборат бўлган фаолият. Бундай жараёнларда, албатта рақибга нисбатан жисмоний зўравонликларни қўлланилиши табиий ҳолатдир. Бу эса оқибатда рақибнинг баданига турли даражадаги шикаст етказишларларга ҳам олиб келиши мумкин.

Айниқса, спортнинг футбол, хоккей, бокс, яккакураш ва яна бир қатор жисмоний куч ишлатишга асосланган турларида спортчи беллашув давомида рақибига нисбатан муайян

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги ЎРҚ-394-сон Қонуни // <https://lex.uz/docs/2742233> (Мурожаат санаси: 2025 йил 25 май).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги ЎРҚ-394-сон Қонуни // <https://lex.uz/docs/2742233> (Мурожаат санаси: 2025 йил 25 май).

даражадаги шикаст етказилари кузатилиши табиийдир. Чунки бундай спорт турларида мусобақа ўтказиш регламенти ва низомларида муайян даражада куч ишлатиш рухсат этилишига гувоҳ бўлиш мумкин. Бироқ, бундай турдаги мусобақаларда спортнинг турига қараб ҳимоя воситалар билан таъминланганлиги, куч ишлатишнинг рухсат этилганлик меъёридан чиқмаслик, тананинг қайси қисмига нисбатан куч ишлатмаслик каби талаблардан нафақат мусобақа ҳакамлари, балки спортчиларнинг ўзлари ҳам хабардор бўлиши шарт.

Аксинча, спорт мусобақа қоидаларини билмаслик ёки уларга риоя қилмаслик натижасида рақибга нисбатан етказиладиган жисмоний зарарлар муайян ҳуқуқий оқибатларга олиб келишига сабаб бўлади.

Бироқ, юридик адабиётларда ва суд амалиётида материалларида спорт беллашуви жараёнида қўлланилаётган жисмоний зўравонликлар натижасида рақиб баданига турли даражадаги шикастлар етказилишини ҳуқуқий жиҳатдан баҳолашда яқдил фикрлар мавжуд эмаслигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Чунончи, А.А. Отажонов таъкидлашича, спорт беллашувлари вақтида ушбу спорт тури учун ўрнатилган қоидаларни ва хавфсизлик чораларини бузмаган ҳолда бошқа шахснинг соғлиғига зарар етказилган ҳолатлар ҳам жиноий жавобгарликни инкор этади<sup>3</sup>.

А.А. Медведев таъкидлашича, агарда спорт мусобақаси вақтида, ҳаттоки спорт мусобақасини ўтказиш қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда жабрланувчининг баданига оғир шикаст етказилганида ёки жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса, унда бу ҳолат қилмишнинг истисно қиладиган (Ўз.Р. ЖК 41-модда. Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик) ҳолат деб топилмасдан, балки умумий асосларда жиноий жавобгарлик белгилаш лозим<sup>4</sup>. Бироқ айрим олимлар таъкидлашича, спорт мусобақалари фақат ижтимоий фойдали мақсадни, яъни фуқаролар ўртасида оммавий фаол спорт билан шуғулланиш ва соғлом турмуш тарзини олиб боришни кўзлашни инобатга олиб спорт мусобақаси вақтида етказилган жисмоний зарарларни қилмишни жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат, яъни касбга боғлиқ асосли таваккалчилик деб ҳисоблаш лозим<sup>5</sup>. Бироқ, А.А. Медведевнинг қўллаб қувватлаган ҳолда айтиш ўринлики, спорт мусобақаларида спортсменлар ҳар доим ҳам ижтимоий фойдали мақсад сари ҳаракат қилмайдилар, балки айрим ҳолларда ўзларининг шахсий хоши-истакларини ҳам намоён қилишади<sup>6</sup>. Масалан, мусобақага тайёргарлик кўриш жараёнларида бир бирига рақиб бўлган спортчилар республика ёки жаҳон микёсида ўтказиладиган спорт чемпионатида чиқишни мақсад қилиб, қасддан рақибининг баданига оғир шикаст етказиб, унинг ўрнини эгаллашни мақсад қилади. Бундай мисолдан кўриниб турибдики, спортчи ижтимоий фойдали мақсадни эмас, балки рақибига нисбатан паст ниятларда бўлади.

Юридик адабиётларда, яна шундай бир ҳолатни кузатиш мумкин, яъни спортчи ўз ёки жамоасининг нуфузини сақлаб қолиш учун спорт мусобақалари регламентига риоя қилмасдан рақибини онгли равишда издан чиқариш мақсадида баданига турли даражадаги тан жароҳатини етказиш каби қилмишлари учун жиноий жавобгарликни белгиламаслик зарур<sup>7</sup>. Бошқа тадқиқотчилар эса, бундай ҳолатларда спортчини спорт мусобақаларидан четлаштириш ва ҳаттоки жиноий жавобгарликка тортиш лозимлигини уқтирадилар<sup>8</sup>.

<sup>3</sup> Қаранг: *Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм*: Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри / Ш.Т. Икрамов, Р.Қабуллов, А.Отажонов ва бошқ; Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 80.

<sup>4</sup> *Медведев А.А.* Причинение вреда во время спортивных соревнований как обстоятельство, исключающее преступность деяния // *Вопросы российской юстиции*. – 2019. – № 4. – С. 398.

<sup>5</sup> Қаранг: *Скворцов А.А.* Уголовно-правовая оценка причинения вреда жизни или здоровью при занятиях спортом: Автореф. дис. канд. юрид. наук. Саратов, 2005. – С. 8.

<sup>6</sup> *Медведев А.А.* Причинение вреда во время спортивных соревнований как обстоятельство, исключающее преступность деяния // *Вопросы российской юстиции*. – 2019. – № 4. – С. 397.

<sup>7</sup> *Игнатов А.* Спорт и уголовная ответственность // *Советская юстиция*. 1989. № 7. – С. 33.

<sup>8</sup> *Безручко Е.В.* Уголовная ответственность за причинение вреда здоровью человека. Дис. канд. юрид. наук: 12.00.08 / Безручко Е.В. - Ростов-на-Дону, 2001. – С. 9.

Таъқидлаш жоизки, агарда спортчи қоидаларни қасддан бузиб, рақибни баданига шикаст етказадиган ҳолларда албатта жавобгарлик юзага келиши мумкин, чунки бу ерда зарар етказувчи қилмишининг ижтимоий хавфли эканлигини англаб, объектив томонини белгиловчи ҳаракати ҳуқуқ хилоф бўлишига замин яратади. Бироқ, агарда спортчи рақибга етказадиган жисмоний зарари қоидаларга нисбатан эҳтиётсизлик муносабатида бўладиган бўлса, унда жиноий жавобгарлик истисно қилинган ҳолда, унга нисбатан спорт қоидаларида белгиланган интизомий таъсир чоралари қўлланилиши лозим<sup>9</sup>.

Айтиш ўринлики, агарда спорт мусобақасини бошқариб турган ҳакам томонидан беллашув тугалланганлиги ҳақида “тўхташ” сигналини бергандан кейин ҳам спортчи ўзининг эмоционал ҳолатини тўхта олмасдан туриб, қаршилиқ кўрсатмаётган рақибга тан жароҳати етказилган ҳолатларда ҳам ҳуқуқий жавобгарлик масаласини ўйлаб кўриш лозим. Чунки бундай ҳолатларда ҳам спортчи спорт мусобақаларини ўтказиш қоидаларига зид равишда қасддан ҳаракат қилаётганлигини англаса-да ҳам, бироқ ҳаракатларини бошқара олмай қолади. Жиноят ҳуқуқи назарияси ва қонунчилигида бундай ҳолатлар кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданига шикаст етказиш каби баҳоланади. Агарда қасддан баданга ўртача оғир ва оғир шикаст етказилса (ЖК 106-м.).

Юқоридаги таҳлилларга кўра, бизнинг фикримизча, спорт мусобақалари вақтида соғлиққа зарар етказиш мумкин бўлган қуйидаги тўртта ҳолатга кўра фарқланиши лозим. Булар:

- *спорт беллашуви вақтида ўйин қоидалари бузилмагани ҳолда соғлиққа шикаст етказилиши.* Гарчи бундай ҳаракатлар натижасида зарарли оқибатлар юз берса ҳам, шахс спорт қоидаларини бузиш ва шикаст етказишга қасд қилмайди. Шу боис унинг ҳаракатлари ижтимоий хавфли ва ғайриқонуний деб топилиши мумкин эмас;
- *спортчининг эҳтиётсизликдан ўйин қоидаларини бузганлиги натижасида соғлиққа шикаст етказилиши.* Бундай ҳолларда ҳам спортчининг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмайди ва унга нисбатан мусобақа қоидаларида назарда тутилган жазоларгина қўлланилиши мумкин;
- *ўйин қоидаларини қасддан бузиш натижасида соғлиққа шикаст етказилиши.* Бундай ҳолларда масала рўй берган оқибатларга қараб ҳал этилади. Агар баданга енгил шикаст етказиш тарзидаги оқибат юз берган бўлса, айбдор жиноий жавобгарликка тортилмаслиги лозим. Жабрланувчига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган бўлса, айбдорнинг қилмиши Жиноят кодекси 111-моддаси билан квалификация қилинади;
- *рақибнинг соғлиғига спорт беллашувига боғлиқ бўлмаган ҳолда шикаст етказилиши.* Бундай ҳолларда айбдор баданга у ёки бу даражада шикаст етказганлик учун жиноий жавобгарликка тортилади<sup>10</sup>.

Хулоса ўрнида таъқидлаш жоизки, спортчилар томонидан етказиладиган жисмоний зарар (баданга шикаст етказишлар), фақат спорт курашлари доирасида, спорт беллашуви ёки матч ўтказилиши вақтида, ўйин жараёни чегарасида ижозат берилиши мумкин (ўйиндан ташқари вақтида ёки ушбу вақт тугатилгандан сўнг ҳар қандай спорт муносабатларини ҳал этиш чоғида етказилган жисмоний зарарлар (баданга шикаст етказишлар)га қонун билан йўл қўйилмаслиги лозим). Аксинча, бошқа ҳолатларда спортчи, ҳакам ёки мухлисларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказишга олиб келган ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликка олиб келиши мумкин.

<sup>9</sup> *Медведев А.А.* Причинение вреда во время спортивных соревнований как обстоятельство, исключяющее преступность деяния // Вопросы российской юстиции. – 2019. – № 4. – С. 399.

<sup>10</sup> *Қаранг: Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик.* Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри / Ш.Т. Икрамов, Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ; Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 81.

Агарда шундай қарорларни қабул қилмайдиган бўлсак, унда Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунинг 4-моддасида белгиланган, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатини<sup>11</sup> амалга оширмай туриб, балки спортчиларнинг соғлиғининг бузилишига, ҳуқуқий нигилизм ва қонунга итоат қилмаслик руҳида бўлиш каби салбий оқибатларнинг келиб чиқишига йўл қўйган бўламиз<sup>12</sup>.

---

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги ЎРҚ-394-сон Қонуни // <https://lex.uz/docs/2742233> (Мурожаат санаси: 2025 йил 25 май).

<sup>12</sup> *Скворцов А.А.* Уголовно-правовая оценка причинения вреда жизни или здоровью при занятиях спортом: Автореф. дис. канд. юрид. наук. Саратов, 2005. – С. 18.